# СЪЕЗД ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

*БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 73 (3301). | Сешанба, 12 апрель 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

*БУГУН — КОСМОНАВТИКА КУНИ*



Фазони забт этган совет баҳодирлари

## КОММУНИЗМНИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРИ САРИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съезди ўз ишини тамомлади. Съезд — партиямиз ва мамлакатимиз тарихида, халқаро коммунистик ҳаракатда муҳим босқични бошлаб берган жуда катта аҳамиятга эга воқеадир. Съездда совет коммунистларининг ўн икки миллионлик армияси вакиллари билан бирга 86 та коммунистик ва ишчи партияларнинг, шунингдек жаҳондаги миллий демократик ва социалистик партияларнинг делегациялари қатнашди.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг ўртоқ Л. И. Брежнев қилган Ҳисобот докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, Марказий Комитетнинг сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини, шунингдек Ҳисобот докладида айтиб ўтилган таклифлар ва хулосаларни бутунича ва батамом маъқуллади. Съездда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан Директивалар кўриб чиқилди ва тасдиқланди, бу Директивалар тўғрисида ўртоқ А. Н. Косигин доклад қилди. КПСС Уставига қисман ўзгартишлар киритилди. АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси хусусида Баёнот қабул қилинди. Партиянинг марказий органлари якдиллик билан сайланди.

XXIII съезд — партия сиёсий, иқтисодий, идеологик ва ташкилотчилик фаолиятининг энг муҳим масалаларини кўриб чиқди, совет халқининг қаҳрамонона меҳнатини якунлади, партиянинг яқин йилларга мўлжалланган сиёсий йўлини коллектив бўлиб ишлаб чиқди.

Съезд ички сиёсатимиз ва хўжалик фаолиятимизнинг навбатдаги беш йилга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб берди. Партия мамлакатимизда коммунизм қуришда янги марраларга эришиш, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини кескин равишда ошириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини тўхтовсиз ўстиришни, Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашни таъминлаш мақсадини олдимизга қўйди.

Съезд партиямиз ва давлатимизнинг ташқи сиёсат йўлини белгилаб берди. Совет ташқи сиёсати коммунизм қуриш учун энг қулай шарт-шароитни яратиб беришга, жаҳон социалистик системасининг қудратини мустаҳкамлашга ҳамда халқларнинг миллий ва социал озодлик учун курашини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, тинчликни мустаҳкамлашга ва янги жаҳон урушининг олдини олишга, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашини таъминловчи ленинча принципларни барқарор қилишга қаратилган сиёсатдир.

Съезд қабул қилган қарорлар партиямизни ташкилий ва ғоявий — сиёсий жиҳатдан тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаши, коммунистларнинг авангардлик ролини ва топширилган иш учун масъулиятини ошириши, партия ташкилотларининг омма билан алоқасини кенгайтириши ва мустаҳкамлаши, бутун коммунистик қурилиш жараёнига раҳбарликни яхшилаши лозим.

Партиянинг олий органи коммунизм учун кураш ишига катта ҳисса қўшди. У партиянинг монолит жипслигини, қарашларнинг тўла бирлигини, КПССнинг марксизм-ленинизмнинг улуғ байроғига ҳамиша содиқлигини намойиш қилди.

Партия съездининг делегатлари партия ва давлатнинг бутун ҳаётига жуда катта ижобий таъсир ўтказган КПСС Марказий Комитетининг 1964 йилги октябрь, ноябрь Пленумлари, 1965 йилги март ва сентябрь Пленумлари қарорларини якдиллик билан маъқулладилар, ишнинг ленинча, чинакам реалистик ва ишчанлик услубини барқарор қилишда бу қарорларнинг катта принципиал аҳамиятини қайд қилдилар. Ленинча услуб съезднинг ўзи учун ҳам характерли бўлди. Съезднинг бутун иши большевикча принципиаллик, юксак талабчанлик, ютуқлар ва камчиликларга сергаклик билан баҳо бериш, вазифаларни ҳал этишда ижодий йўл тутиш вазиятида ўтди. Съездда партиямизнинг революцион руҳи ва сиёсий етуклиги янги куч билан намоён бўлди.

XX—XXII съездлар белгилаб берган йўлга, КПСС Программасига асосланиб партия совет халқини коммунизм қуриш йўлидан оғишмай бошлаб борди. Докладларда ва делегатларнинг нутқларида жамиятимиз тараққиётининг ёрқин манзараси намоён бўлди. Экономика, фан ва маданият соҳасида, халқ турмуши даражасини кўтаришда улкан ютуқлар қўлга киритилди. Асосий капиталистик мамлакатлар билан иқтисодий мусобақада Ватанимизнинг позицияси кучайди. Совет жамиятининг асоси—ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи, СССР халқлари дўстлиги, барча меҳнаткашларнинг партия теварагидаги жипслиги мустаҳкамланди.

Мана шуларнинг ҳаммаси партия сиёсатини бутун совет халқи тўла равишда қўллаб-қувватлаётганлигини, партия мамлакатимизни олиб бораётган йўл бирдан-бир тўғри ленинча йўл эканлигини кўрсатиб турибди.

XXIII съезд партия ва халққа коммунистик қурилиш йўлида янада олға боришнинг кенг истиқболларини очиб берди. Янги беш йиллик план коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаш учун курашда муҳим босқич бўлади.

Беш йилликнинг асосий иқтисодий вазифаси шундан иборатки, фан ва техниканинг муваффақиятларидан ҳар томонлама фойдаланиш, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни индустриал ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосида саноатни янада анча ўстириш, қишлоқ хўжалигини муттасил тез суръатлар билан ривожлантириш ва шу туфайли халқ турмушининг даражасини анча юксалтиришга, барча совет кишиларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқ қондиришга эришиш таъминланиши лозим.

Беш йиллик планлари буюк ва кенг кўъламли планлардир. Барча моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг жами маҳсулоти ҳар йил ўрта ҳисобда етти процентдан зиёдроқ кўпая беради. Саноат маҳсулотининг ҳажмини бир ярим баравар чамаси кўпайтириш мўлжаллаб қўйилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга биринчи даражада аҳамият берилади. Реал даромадлар аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 1,3 баравар чамаси кўпаяди.

XXIII съезднинг янги беш йилликка доир Директиваларини партия чинакам чуқур илмий асосда ва аниқ ҳисоблаб ишлаб чиқди. Хўжаликни юритишнинг янги системасига ўтиш беш йиллик планни бажаришнинг энг муҳим шартларидан бири бўлади.

«Съезд партия, совет ва хўжалик ташкилотлари зиммасига, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот доклади юзасидан қабул қилинган Резолюцияда, — партия ишлаб чиққан ва тармоқларни марказлаштирилган тартибда бошқаришни иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш билан қўшиб олиб боришни, хўжаликка раҳбарлик қилишда иқтисодий методларнинг ролини кучайтиришни, планлаштиришни тубдан яхшилашни, корхоналар коллективларининг хўжалик мустақиллигини ва ташаббускорлигини кенгайтиришни, уларнинг ўз фаолиятлари натижаларидан моддий манфаатдорлигини оширишни кўзда тутувчи иқтисодий сиёсат принципларини изчиллик билан ўтказиш вазифасини юклайди. Планлаштиришнинг ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини амалга ошириш — яқин йилларга мўлжалланган энг муҳим вазифаларнинг биридир».

Хўжалик ва маданий қурилишнинг мўлжалланган программасини амалга ошириш одамларимизнинг турмушини тағин эам яхшироқ, бадавлат, маданий қилиб қўяди, Совет Иттифоқининг халқаро обрўсини ва нуфузини тағин ҳам баланд кўтаради. Беш йиллик жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади империализмга урилган янги зарба бўлади.

Съезд совет жамияти ҳаётида КПССнинг раҳбарлик роли ошиб бораётганлигини, унинг сафлари янада мустаҳкамланаётганлигини ёрқин ва ишончли тарзда кўрсатди. Партиямиз тағин ҳам кучли ва монолит бўлиб қолди, унинг омма билан алоқалари мустаҳкамланди. Партия совет халқини янги жамият қуриш йўлидан дадил олиб бормоқда, совет жамияти эришаётган ҳамма ғалабаларнинг жанговар илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## *ҚАРДОШ ПАРТИЯЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ*

КПСС XXIII съезди ишида қатнашган чет эл қардош партиялари вакилларидан бир группасини Ўзбекистон пойтахти 11 апрелда хушнудлик билан кутиб олди.

Келган меҳмонлар орасида Ҳиндистон Компартияси Миллий кенгаши Марказий ижроия комитетининг аъзолари К. Ш. Шукла, И. Синха, С. Таммаредди, Ҳиндистон Компартияси Миллий кенгашининг аъзоси П. Т. Пануселар бор. Цейлон Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси И. Р. Ариаратнам ҳам шу самолётда Тошкентга келди.

Аэродромда қардош партиялар делегацияларининг аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудирлари Б. А. Абдураззоқов, М. М. Раҳмонқулов, С. Ш. Шермуҳамедов ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бошқа масъул ходимлари кутиб олдилар.

Ҳиндистон ва Цейлондан келган меҳмонлар Ўзбекистонда бир неча кун бўладилар. Улар экономика ва маданиятни ривожлантиришда Ўзбекистон эришган муваффақиятлар билан, республика партия ташкилотининг фаолияти билан танишадилар. (ЎзТАГ).

# ЧИГИТНИ СИФАТЛИ ЭКАЙЛИК

## 30 ЦЕНТНЕР УЧУН

3-«Далварзин» совхозининг ўртоқ Омон Қўшмонов бошлиқ звеноси ўтган йили планда белгиланган 20 ўрнига 28 центнердан ҳосил олиб, пешқадам бўлган эди. Бу йил эса 30 центнер учун кураш кетаяпти.

Сўнгги картага чигит ташлаётган звено аъзолари биринчи парвариш учун ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Ўқариқлар олинаяпти, жўяклар очилаяпти, етарли миқдорда чим тайёрлаб қўйилган. Пешқадамлар деҳқончиликнинг ҳар бир рисоласини ўз вақтида ўтказиш мўл ҳосил гарови эканлигини яхши тушунган ҳолда иш олиб бормоқдалар.

А. ЭГАМҚУЛОВ.

## ТЕЗ ВА СОЗ

Мана, Янгийўл районидаги «Ленинград» колхозининг бепоён далалари. Барча звено ва бригадаларда меҳнат авжида. Универсаллар бетиним ғурилламоқда. Механизаторлар, ўз ишига пишиқ сеялкачилар экишни тез ва соз ўтказиш учун астойдил бел боғлаб курашмоқдалар. Бошидан пухта тайёргарлик кўрилганлигининг фойдаси тегаяпти. Уруғ кафтдек текис карталарнинг майин тупроғига тушяпти.

Амир Омонқулов, Харип Алиматов, Мамарайим Исҳоқов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили ҳам баракали ҳосил кўтарган эдилар. Бу йил ҳам улар экишда пешқадамлик қилиб, намуна кўрсатиб ишламоқдалар.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съездининг Директиваларидан руҳланган колхоз аъзолари ҳар гектар ердан 28 центнердан «оқ олтин» етиштириш мақсадида далаларда ана шундай ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Т. ИМОМОВ,
Т. НУРҚУЗИЕВ.

## СЎНГГИ ГЕКТАРЛАРГА

Ҳар бир колхоз ва совхозда чигитни тез ва сифатли экиш учун кураш қизғин тус олган. Пахтакорлар ва механизаторлар кечагина ўз ишини муваффақиятли тамомлаган партиямизнинг XXIII съезди қарорларидан ва Директивадан илҳомланиб, ер текислаш, уруғ тайёрлаш, экиш ишлари юзасидан берилган кундалик нормаларни ошириб адо этмоқдалар.

Ҳар куни илғор колхозлар ва совхозлардан чигит экиш топшириғи бажарилганлиги тўғрисида хушхабарлар келиб турибди. Бу соҳада пешқадам Оққўрғон райони пахтакорлари эришаётган муваффақият айниқса қувонарлидир. Райондаги Охунбобоев номли колхоз чигит экишни қисқа муддатда сифатли тугаллади. Чигит яхши ўғитланган, текисланган ерларга экилди. Ана шу жойларда чигит бир текис униб чиқмоқда. Колхознинг қир участкасидаги ўртоқ Маъмур Қосимов бошлиқ бригада ерларида кўмкўк қаторлар кўзга чалиниб қолди. Бригада аъзолари беш йилликнинг биринчи йилида ҳосилдорликни кескин ошириш учун курашиб ғўзанинг биринчи парваришини баҳор байрами — 1 Майгача ўтказишга қарор қилдилар.

Шунингдек, райондаги Киров номли, Войтенцев номли, Димитров номли колхозлар ва гигант хўжалик — «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози пахтакорлари ҳам чигит экиб бўлганликлари тўғрисида ғалаба рапорти бердилар.

Район хўжаликларида чигитни квадрат-уялаб жойлаштириш юзасидан берилган топшириқ ҳам қониқарли бажарилмоқда. Ҳозиргача пландаги 10 минг 100 гектар ўрнига 9 минг 118 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилди.

Оққўрғонликлар бу йил ҳосилдорликни ўтган йиллардагига қараганда кескин ошириш, машъаллик шарафига муносиб бўлиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Бугун район пахта далаларида сўнгги гектар ерларга чигит экилмоқда. Ҳар бир хўжаликда чиғитни ўтган йилдагига қараганда эрта муддатларда экиб олиб ғўза парваришини барвақт бошлаш, ҳосилнинг тез етилиши учун барча тадбирлар кўрилмоқда.





## БАРАКА УРУҒИ

Бепоён далаларда меҳнат қайнамоқда. Олиҳиммат деҳқонлар партиямизнинг XXIII съезди қарорларини амалга ошириш учун курашиб, зўр ғайрат-шижоат кўрсатиб ишламоқдалар, ўзаро социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. Сабзавоткорлар экиш-тикиш ишларини бошлаб юборганларига бирмунча вақт ўтди. Мана, эндиликда пахтакорлар ҳам енг шимариб ишга киришиб кетишди. Она-ер бағрига «оқ олтин»нинг барака уруғи тушмоқда.

Областимизнинг илғор пахтакорлари қатори Орджоникидзе районидаги Киров номли колхоз деҳқонлари ҳам етилган ерларга чигит экишни оби-тобида бошлаб юбордилар. Ҳозир хўжаликнинг кўпчилик бригада ва звеноларида танлаб чигит экиш кун сайин авж оляпти. Буни айниқса ўртоқ А. Абилов бошлиқ бригадада яққол кўриш мумкин.

— Ишларимиз тез юришиб кетяпти,—дейди бригадир ўртоқ Абилов, — ҳозирги ишнинг бориши деҳқонларимизни беҳад хурсанд қилмоқда. Бунинг боиси шундаки, биз бу кунларни орзиқиб кутдик, кеч куздан буён экиш мавсумига ҳартарафлама тайёргарлик кўрдик. Механизаторларимиз бутун қиш давомида ўз «пўлат от»ларини баҳорга шайладилар. Мана энди тракторларимиз, сеялкаларимиз бетиним ишлаб турибди. Маълумки, бу йил ёғингарчилик кам бўляпти. Биз ерда тўпланган намни тўла сақлаб қолиш, чигитни бехато ундириб олиш мақсадида барча пахта майдонларимизни ўз вақтида сифатли қилиб бороналаб қўйдик. Экаётган чигитимиз яхши сараланаяпти. Механизатор ва сеялкачиларимизнинг ғайрат билан ишлаётганликлари туфайли жуда қисқа вақт ичида 20 гектардан ортиқроқ еримизга сифатли қилиб чигит экиб олдик. Бундан буён экиш суръатини тобора жадаллаштиравера миз.

Колхознинг ўртоқ Рихсибой Нурматов бошлиқ бригадаси пахтакорлари ҳам чигит экиш ишларига пухта тайёргарлик билан киришиб кетдилар. Хўжаликнинг «оқ олтин» соҳибкорлари беш йилликнинг биринчи йилида юқори марраларни эгаллашга астойдил бел боғлаб, ҳамма ишларни шунга яраша ташкил этмоқдалар.

Суратларда: (чапда) колхознинг ўртоқ А. Абилов бошлиқ бригадаси даласида чигит экиш пайти. (Ўнгда) сеялкачи ўртоқ А. Қурбонов экиладиган чигитнинг сифатини текшириб кўряпти.

М. Тўйчиев фотолари.

## *БИЛДИРИШ*

**Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг VI сессиясини чақириш тўғрисида**

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг X чақириқ VI сессияси шу йил 15 апрелда эрталаб соат 11 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида очилади.

Шаҳар Совети ижроия комитети сессия кун тартибига қуйидаги масалани киритади:

Шаҳарда жамоат тартибини сақлашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида.

Депутатлар 15 апрель куни ўша жойда эрталаб соат 10 дан рўйхатга олинадилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

